



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ “ҒАЛАБА БОГИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ТАРКИБИДАГИ “ШОН-ШАРАФ” ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

2- БОБ : ”ШОН-ШАРАФ“ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

2-МАШГУЛОТ: МОСКВА, КАВКАЗ МУДОФААСИДА, СТАЛИНГРАД ВА КУРСК-ОРЁЛ
ЙЎНАЛИШИДАГИ ЖАНГЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ КЎРСАТГАН ҚАҲРАМОНЛИГИ

Тошкент ш. 2021 й.


2.1. МОСКВА МУДОФААСИ ЭКСПОЗИЦИЯСИ



Музейнинг
экспозициялари
жахон урушининг энг
шиддатли ва қонли
жангларидан бири ҳисобланган
Москва мудофаасига
багишланган. Немис-фашист
қўмондонлиги Москвани
эгаллаш учун Москва
йўналишида 77 дивизияни
(жумладан 14 та танк ва 8 та
моторлашган дивизияларни)
тўплади, кучларнинг бир
қисми Ленинград ва Киевдан
ушбу йўналишга ташланди.

Душманга қарши турган
Совет қўшинларининг сафида
1 млн 250 минг киши, 990 та
танк, 7600 та тўп ва
миномётлар, 677 та
самолётлар мавжуд бўлсада,
устунлик душман томонида
эди.

МОСКВА ОСТОНАСИДАГИ МУДОФАА ЖАНГЛАРИ. 30.09-5.12.1941 й.





Москва бўсағаларида кўп чизиқли мудофаа яратилиб, унинг теранлиги 250-300 кмни ташкил этди.

1941-йил 30-сентябрда душман Москвага биринчи ҳужумини бошлади ва Совет қўшинлари мудофаасини ёриб ўтди. 3 октябрда душман Орёлни эгаллади, 7 октябрда Вязмага ёриб кирди, 14 октября Тверни эгаллади, лекин унинг кейинги ҳаракатлари тўхтатиб қолинди. 17 октябрда Калинин фронти ташкил этилди. Унинг қўшинлари душманни Москвани шимолдан айланаб ўтиш режасини барбод этди.

Шунга қарамасдан душманнинг танк қўшинлари Волоколамск, Можайск, Калугани эгаллади, Москвагача 80-100 км қолди. Олиб борилган шиддатли жанглар натижасида душман 4-декабрда ҳужумни тўхтатишга ва мудофаага ўтишга мажбур бўлди. 1941-йил 5-декабрда “Марказ” армиялар гурухи қўшинлари бутун фронт бўйлаб тўхтатиб қолинди. Шундай қилиб фашистлар армиясининг “яшиндек тез уруш олиб бориш” режаси барбод бўлди.

МОСКВА ОСТОНАСИДА ҚАРШИ ХУЖУМ ЖАНГЛАРИ, НЕМИС ҚҮШИНЛАРИНИНГ ТОРМОР ЭТИЛИШИ. 1941-йил 5-декабр – 1942-йил 20-апрел



1941-йил 5-декабрда Москва останаларида Совет қүшинларининг қарши хужумлари бошланди.

1942-йил январ ойи бошларида Қизил Армиянинг Москва останаларидаги хужуми қаттий ғалаба билан тугади. Душманнинг зарбдор гурухлари тор-мор этилди ва ғарбга томон 100-150 кмга улоқтириб ташланди. Москвага солиниб турилган таҳдид бартараф этилди.

Мудофаадан хужумга ўтилиши ва Бош стратегик йўналишда йирик ғалабаларга эришилиши билан Қизил Армия душман қўлидан ташаббусни тортиб олди. Москва останаларида немисларнинг тор-мор этилиши билан урушнинг боришида тубдан бурилиш бошланди.

Москва учун олиб борилган жангда совет армиясидан 937 мингга яқин жангчи, Германиядан эса 500 мингдан ортиқ аскар ҳалок бўлди, яраланди ёки асирга тушди.


МОСКВА МУДОФААСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



316-ўкчи дивизия командири генерал
И.В. Панфилов



Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Кўчқор Турдиев




Панфиловчилар лейтенант Икром Жалилов
ва Наумовлар

Тошкентда узоқ йиллар хизмат қилган генерал И.В.Панфилов қўмондонлигига Олмата шахрида туркистонликлардан иборат дивизия тузилди. Унинг командирлари таркибида Тошкент пиёда билим юрти ва Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 офицер бор эди.

Генерал И.В.Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги Волоколамск йўналишида қаттиқ жангларда иштирок этди, оммавий қаҳрамонлик қўрсатди. Дивизия жанг майдонида душманнинг 114 танкини, 26 минг аскар ва офицерини, 5 самолёти ва бошқа кўплаб техникасини йўқ қилди, ҳаракатдаги жанговар техникасининг анча қисмини қўлга кириди.

Жануби-Ғарбий фронт таркибида ўзбекистонлик Кўчқор Турдиев ҳам душманга қарши жангларда иштирок этди. У душманнинг 9 аскар ва зобитини йўқ қилиб, 3 тасини асирга олган. Босқинчиларнинг ўт очиш нуқтаси – ДЗОТИНИ йўқ қилди ва ўз бўлинмасининг хужумга кўтарилишини таъминлади. Ушбу жасоратлари учун Кўчқор Турдиев ўзбекистонликлардан биринчи бўлиб Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

МОСКВА МУДОФААСИДА ИШТИРОК ЭТГАН ОТЛИК АСКАРЛАР КОРПУСИ, ЎЗБЕКИСТОНЛИК СНАЙПЕР ҚИЗ ЗЕБО ҒАНИЕВА, МОСКВА МУДОФААСИ ЖАНГИДАН ЛАВҲА



Ўзбекистонда тузилган 21- ва 44-кавалерия дивизияси Москва остоналарида жанг қилиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 1-ва 2- кавалерия корпусининг кичик лейтенант Х.Бектурсунов, Ҳ.Мусаев, Р.Абдуқосимов, А.Абдуллаев, бўлинма командири Р.Алиев, З.М.Қосимов, Р.С.Халилов, В.Содиқов, эскадрон командири М.Иброҳимовлардек жангчилар матонат билан жанг қилдилар.

Ўзбекистонда тузилган 258-ўқчи дивизия аскарлари Москва остоналаридаги жангларда 9 мингдан кўпроқ душман аскар ва офицерларини ертишлатиб, 137 та аҳоли яшаш пунктларини озод этдилар. Ушбу дивизия Калугани озод этишда кўрсатган матонати учун “гвардиячи” дивизия унвонига сазовор бўлади. Дивизиянинг орден ва медаллар билан мукофотланган командирлари ва сиёсий ходимлари орасида Б.Ўразов, Ғ.Толипов, М.Бекмуродов, В.Кашапов ва бошқалар бор эди.

Москва ҳимоячилари орасида ўзбек қизи Зебо Ғаниева ҳам бор эди. У 1942- йил 21-май кунигача 23 фашистни ертишлатди. 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келди. Зебо Ғаниева жасорати учун “Қизил Байроқ” ордени билан мукофотланди.


**СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ САИДУСМОН ҚОСИМХЎЖАЕВ, МАМАДАЛИ МАДАМИНОВ.
“МОСКВА МУДОФААСИ УЧУН” МЕДАЛИ**



Москва остоналарида бўлган жангларда матонати ва жасорати билан алоҳида ажралиб турган ўзбекистонлик жангчилардан бири – бу Сайдусмон Қосимхўжаевдир. Москва учун бўлган жанглардаги матонати, жасорати учун унга 1941йил 16 октябрда “Совет Иттифоқи қаҳрамони” унвони берилди. Шунингдек, Ленин ордени, 1-даражада Ватан уруши ордени ва медаллар билан мукофотланган.

Москва остонасида фашист босқинчиларининг тор-мор келтирилишининг аҳамиятга эга эканлигини хисобга олиб Совет хукумати “Москва мудофааси учун” медали таъсис этди. Ушбу медал билан мукофотланганлар орасида Ўзбекистон жангчиларидан 1753 киши бор эди. Шу тариқа Москва остонасида душман ҳарбий машинаси, ҳарбий доктринаси инқизорга учради.

2.2. ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ КАВКАЗ МУДОФАСИДАГИ КЎРСАТГАН ЖАСОРАТИ




Германия қўмондонлигининг навбатдаги режаси, урушдан олдин СССР да 95% нефт ишлаб чиқарадиган Кавказни босиб олиш эди. 1942 йил Полтавада ўтказилган йиғилишда Гитлер, Майкоп ва Грознийдаги нефтиң қўлга киритмасак урушни тўхтатишимиизга тўғри келади деган эди. Германия кўшини 1942-йил ёзги умумий ҳужум кампаниялари режаларига асосан 25 июнда Волга ва Шимолий Кавказ йўналишида ҳужумга ўтди. Ватан ҳимоячиларининг Кавказ йўналишида олиб борган қаҳрамонона қарши кураши натижасида Сталинград йўналишида немис қўмондонлигининг ҳужумкорлик имконияти чеклаб қўйилди. Кавказ учун кураш Иккинчи жаҳон урушининг энг кўп давом этган курашларидан бири бўлиб у 442 кун (1942 йилнинг 25 июнидан 1943 йилнинг 9 октябригача) давом этган.

КАВКАЗ МУДОФААСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



Бошқа жанглардаги сингари Кавказни ҳимоя қилишда ҳам ўзбекистонлик жангчилар юксак фидойилик ва жанговар маҳоратларини намойиш этдилар. Ушбу фотосуратларда Кавказ учун жанглардан лавҳалар келтирилган

128-ГВАРДИЯЧИ ТУРКИСТОН ТОҒ ЎҚЧИ ДИВИЗИЯСИ КАВКАЗ УЧУН ЖАНГЛАРДА



Туапсе шаҳрида 83-Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси душманинг йўлини тўсиб қўйиб, унинг шимолдан таъминот захиралари кириб келишини тўсиб қўйди. Дивизия 200 га яқин аҳоли пунктларини озод қилди. Жангдаги муваффақиятлар шарафига дивизия 128-гвардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси деб қайта номланди.

**КАВКАЗ МУДОФААСИДА ИШТИРОКЧИСИ ПОДПОЛКОВНИК ҒУЛОМЖОН РАХИМОВ.
«КАВКАЗ МУДОФААСИ УЧУН» МЕДАЛИ**



Кавказ ҳимоячиларининг қаҳрамонлиги ва матонати юқори эътироф этилди ва 1944 йил 1-майда “Кавказ мудофааси учун” медали таъсис этилди. Ушбу медал билан мукофотланганлар орасида 2974 нафар ўзбекистонлик жангчиларнинг борлиги юртимиз вакилларининг фидокорона ҳатти-харакатлари ва қаҳрамонликларидан далолат беради.

КАВКАЗ МУДОФААСИ АКС ЭТТИРИЛГАН ЭКСПОЗИЦИЯ ВА ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ НОЁБ БУЮМЛАРИ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН ВИТРИНА



Витринадан тарихий ноёб буюмлар, фотосуратлар, орден, медаллар, тақдирлаш гувоҳномалари ва шахсий буюмлар, Кавказни фашист босқинчиларидан озод қилишга ўзларини бахшида этган хамюрт жангчиларимиз тўғрисидаги хотиралар ўрин эгаллаган

2.3. СТАЛИНГРАД МУДОФААСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ИШТИРОКИ






Музейнинг кейинги экспозицияси Иккинчи жаҳон урушининг боришида туб бурилишни бошлаб берган Сталинград жангига бағишиланади. Бутун инсониятнинг тақдири Сталинград жангига боғлиқ эди. Сталинград жанги мағлубият билан туаганида Узоқ Шарқдан японларнинг Квантун армияси бостириб кириши мумкин эди, иттифоқчилар Иккинчи фронтни Европада немисларга қарши очмасликлари ҳам мумкин эди.

СТАЛИНГРАД ЖАНГИГА БАҒИШЛАНГАН ВИТРИНАЛАР



Ушбу витриналардан ҳамюртларимизнинг Сталинград мудофаасида кўрсатган қаҳрамонликларидан хабар берувчи гувохномалар, орден ва медаллар, шунингдек фронтдаги фотосуратлари, жангчи фляжкаси, командир сумкаси ҳамда хатлар ўрин эгаллаган.

СТАЛИНГРАДДАГИ “УРАН” ҚАРШИ ҲУЖУМ ОПЕРАЦИЯСИ



Сталинград жанги – 1942 йил 17-иулдан 1943 йил 2-февралгача давом этган. Душман 17-иулдан 23-августгача шаҳар бўсағаларида жанговар ҳаракатларни олиб борди ва совет қўшинларининг қаршилигини енгиб ўтиб шаҳарнинг шимолидан Волга дарёсига ёриб ўтди. Душманнинг кейинги ҳаракатлари совет қўшинларининг қаттиқ қаршиликлари туфайли тўхтатиб қолинди. **Олий Бош қўмондонлик Ставкасининг захираларидан Сталинград фронти негизида Сталинград, Дон ва Жанубий-Фарбий фронтлари ташкил этилди.** 1942 йил 19-ноябрда Совет қўшинларининг “Уран” махфий номини олган қарши ҳужумлари бошланди. Тезкорлик билан олиб борилган йирик стратегик операция давомида фашистларнинг 330 минглик йирик куч гурухлари қуршовга олинди ва мағлуб этилди.

“СТАЛИНГРАД МУДОФААСИ УЧУН” МЕДАЛИ. СТАЛИНГРАД ЖАНГИ ЛАВҲАЛАРИ



1942-йил 22-декабрда
Хукумат қарори билан
“Сталинград мудофааси
учун” медали таъсис
этилган. Ўзбекистонлик
жангчилардан 2738 киши
ушбу медал билан
мукофотланган



“ПАВЛОВ УЙИ”. “ПАВЛОВ УЙИ” ҲИМОЯЧИСИ КАМОЛЖОН ТУРҒУНОВ



К.Турғунов, урушдан кейинги фотосурати



К.Турғунов 1942 йилда ўзи парваришилаган Зинаида билан



К.Турғунов ўзининг номи ёзилган мемориал тош ёнида. “Павлов уйи” Волгоград ш.

“ШАРҚНИНГ 11 ҚАҲРАМОНИ” ХОТИРАСИГА ЎРНАТИЛГАН ЁДГОРИК



Сталинград мудофаасида 115,2-тепалигига лейтенант М. Кабрибов бошчилигида Ўрта Осиёлик жангчилардан иборат 11 жангчи ўзларидан 30 маротаба кўп бўлган душман билан 12 кун давомида жанг қилдилар. Душман ДЗОТини йўқ қилиш ва тепаликни эгаллаш топширигини олган лейтенант Кабрибов взводида оғир жанглардан кейин фақат 11 нафар жангчилар қолган эди. Улар взвод командири Михаил Кабрибов, ўзбекистонликлар Абдураҳмон Эрдонов, Бобоёр Ғаффоров, Диёр Ахмедов, Субҳон Файзиев, Нормурод Ҳайитов, Сафар Мардонов, Комил Ҳузин, Баҳром Алибеков, Собир Толипов, Худойқул Мусаевлардир. Тепаликнинг мудофааси давомида взвод командири яраланди, Абдураҳмон Эрдонов тирик қолди, қолган жангчилар қаҳрамонона ҳалок бўлдилар. Уларнинг хотирасига бағишлаб “Шарқнинг 11 қаҳрамони” ёдгорлиги барпо этилди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК СТАЛИНГРАД ЖАНГИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ БИР ГУРУХИ




Магаметов Ислам




Елена
Стемпковская



Тоев Холмат



Ядгаров Зия



Крилов
Александр



Баймиров
Саимназар

УРУШ ДАВРИДА ҚҮЛЛАНИЛГАН АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ВА МАКСИМ ПУЛЕМЁТИ



ТАИ-43 телефони, РБМ-1 радиостанцияси, телеграф аппарати, Морзе калити, КОФ 33 – коммутатори, дала телефон сими катушкаси билан





Дала телефон сими судраб юрилувчи катушкаси билан, фидиракли (чанфили) лафетга ўрнатилган




1910/30 йил намунасидаги 7,62 мм ли Максим станокли пулемёти

2.4. КУРСК-ОРЁЛ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЖАНГЛАР ВА УЛАРДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ КЎРСАТГАН ҶАҲРАМОНЛИГИ



Курск жанги – 1943 йил 5 июлдан 12 июлгача давом этган. Бу фашистлар Германиясининг Шарқий фронтдаги учинчи энг катта ва сўнгги ҳужумкор операциясидир. Операция мақсадига кўра, душман “Марказий” ва “Воронеж” фронти қўшинларини янчиб, кейин Донбассга ва Кавказ стратегик йўналишига ҳужумни давом эттиришни режалаштирган эди. Бу операцияни ўтказиш учун 50 та дивизия, жумладан 16 та моторлашган ва механизациялашган дивизиялар жамланди. Гурух ўз сафида 900 минг одам, 10 мингтагача тўп ва миномётлар, 2700 та танк (улардан 1800 таси “Тигр” танклари) ва 2000 та дан ортиқ самолётларга эга эди.

СОВЕТ ҚҮШИНЛАРИНИНГ КУРСК ЁЙИДАГИ ҚАРШИ ҲУЖУМ ОПЕРАЦИЯЛАРИ



Курск ёйини мудофаа этиш Марказий ва Воронеж фронтлариға топширилди. Иккала фронтнинг сафида 1 млн.300 мингдан ортиқ киши, 20 мингтагача түп ва миномётлар, 3300 та дан ортиқ танк ва ўзи юрар артиллерија курилмалари, 2650 та самолёт мавжуд эди. Ушбу фронтларнинг ортида йирик стратегик захира кучлари түпланиб, Ҷўл фронти таркибиға киритилди.

ПРОХОРОВКА ЯҚИНИДАГИ ТАНКЛАРНИНГ ТҮҚНАШУВ ЖАНГИ



1943 йил 12-иүлдө Прохоровкада Иккинчи жағон уруши тарихида танкларнинг энг катта түқнашув жанги бўлиб ўтди. Ҳар иккала томондан ушбу жангда 1200 та танк ва ўзи юрар артиллерия қурилмалари иштирок этди. Куннинг охирида фашистлар 400 дан ортиқ танкларидан ажралиб, дастлабки эгаллаган маррасига улоқтириб ташланди.

КУРСК ЖАНГИДА ҚАҲРАМОНЛИК КЎРСАТГАН ВАТАНДОШЛАРИМИЗ



Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Гатаулла Салихов



Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Аҳмаджон Шукуров




Совет Иттифоқи Қаҳрамони
Валдемар Шаландин

Курск ёйида бўлган шиддатли жангларда Ўзбекистонда тузилган 62- ва 69-ўқчи дивизиялар, 162-Ўрта Осиё-Северск дивизияси иштирок этди. Шунингдек ватандошларимиз 5- ва 15- ҳамда 5-гвардиячи ва 67-гвардиячи ўқчи дивизиялар таркибида ҳам мардонавор жанг қилдилар. Ушбу жангда ўзбекистонлик Р.Жумаев, М.Абдуллин, Г.Салихов, А.Юсупов ва бошқалар жасорат намуналарини кўрсатдилар. Матонати ва жасорати учун тошкентлик Гатаулла Салиховга Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди.

Золотарёвка қишлоғи учун бўлган қаттиқ жангда фарғоналиқ Аҳмаджон Шукуров душманнинг 110 та аскар ва зобитини ертишлатди ҳамда 15 тасини асир олди. Ушбу жасорати учун унга Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди ва Золотарёвка қишлоғи Шукуровка деб аталадиган бўлди.

Мухим аҳамиятга эга тепаликни ушлаб қолиш учун давом этган 10 соатлик жангда Чирчик танкчилар билим юртини тутатган лейтенант Валдемар Шаландин жасорат намуналаринин кўрсатди. Танкда снарядлар тугаганидан кейин лейтенант В.Шаландин ёнаётган танкини душман танкига урди. Ушбу жасорати учун В. Шаландинга вафотидан сўнг Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони берилди.

КУРСК-ОРЁЛ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЖАНГЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН “ЎЗБЕКИСТОН” БРОНЕПОЕЗДИ



Музейнинг навбатдаги экспозициясида Курск ёйидаги жангларда иштирок этиб, шуҳрат қозонган “Ўзбекистон” бронепоезди сурати келтирилган. У 1942 йил Тошкент тепловозвагон заводида меҳнаткашларнинг шахсий маблағлари эвазига қурилган.

Ушбу бронепоезд маҳсус мутахассисликка эга бўлган Ўзбекистонлик жангчилар экипажи билан тўлиқ таъминланган эди.

Ушбу бронепоезд капитан Мамедов бошчилигига йирик станцияларни ва муҳим темир йўл тармоқларини авиация хужумидан ҳимоя қилган ҳамда темир йўллар атрофига мустақил тарзда жанговар ҳаракатлар олиб борган.

КУРСК-ОРЁЛ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЖАНГЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЭКСПОЗИЦИЯЛАР



Тўпчиларнинг ўз позицияларидан душманга артиллерия зарбаларини беришлари ифодаланган инсталляция ва витринадан Курск-Орел йўналишида жанг қилган ўзбекистонлик жангчиларнинг суратлари, шахсий хужжатлари, орден ва медаллари, уларнинг гувоҳномалари жой олган

СОВЕТ ЎРТАЧА Т-34 ТАНКИ ВА ТАНКЧИЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ВИТРИНА



Т-34 танки М. Кошкун раҳбарлигидаги конструкторлик бюроси томонидан ишлаб чиқарилди ва қуролланишга қабул қилинди. Иккинчи жаҳон урушининг энг мукаммал, ишончли зарба бериш воситасидир. Т-34 танклари ҳужумда пиёдаларни бевосита қўллаб-қувватлашда, ҳужумни ривожлантиришда, душман мудофаасини ёриб ўтишда, душманинг йирик куч гурухларини курсовга олишда муваффакият билан қўлланилган. Манёврчанлиги, ўтувчанлиги, мукаммал зирхи, зарба бериш қудрати билан бошқа танклардан ажralиб турган.

Витринада танкчилар шлемофони, противогаз, пулемёт ўқлари, 76 мм ли танк тўпининг снаряди, миномёт минаси, пиёдаларга қарши мина, қўл гранатаси, котелок, командир сумкаси, танк макети, танкчилар фотосуратлари тақдим этилган